

1494/3698 - عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، أَنَّهُ جَاءَهُ رَجُلٌ مِّنْ أَهْلِ مِصْرِ، فَقَالَ لَهُ: هَلْ تَعْلَمُ أَنَّ عُثْمَانَ قَرَرَ يَوْمَ أُحْدٍ؟ قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: تَعْلَمُ أَنَّهُ تَعَيَّبَ عَنْ بَدْرٍ وَلَمْ يَشْهُدْ؟ قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: تَعْلَمُ أَنَّهُ تَعَيَّبَ عَنْ بَيْعَةِ الرُّضْوَانِ قَلَمْ يَشْهُدُهَا؟ قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: اللَّهُ أَكْبَرُ. قَالَ ابْنُ عُمَرَ: تَعَالَ أَبْيَنْ لَكَ، أَمَّا فِرَاوْهُ يَوْمَ أُحْدٍ، فَأَشْهُدُ أَنَّ اللَّهَ عَفَا عَنْهُ وَغَفَرَ لَهُ، وَأَمَّا تَعَيِّبَهُ عَنْ بَدْرٍ فَإِنَّهُ كَانَتْ تَحْتَهُ بِنْتُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَتْ مَرِيضَةً، فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ لَكَ أَجْرٌ رَجُلٌ مِّنْ شَهِدَ بَدْرًا وَسَهْمَهُ. وَأَمَّا تَعَيِّبَهُ عَنْ بَيْعَةِ الرُّضْوَانِ، فَلَوْ كَانَ أَحَدُ أَعْزَزِ بَطْنِ مَكَّةَ مِنْ عُثْمَانَ لَبَعْثَهُ مَكَانَهُ، فَبَعَثَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عُثْمَانَ، كَانَتْ بَيْعَةُ الرُّضْوَانِ بَعْدَ مَا ذَهَبَ عُثْمَانُ إِلَى مَكَّةَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَيْدِهِ الْيُمْنَى: هَذِهِ يَدُ عُثْمَانَ.. فَضَرَبَ بِهَا عَلَى يَدِهِ، فَقَالَ: هَذِهِ لِعُثْمَانَ. فَقَالَ لَهُ ابْنُ عُمَرَ: اذْهَبْ بِهَا الْآنَ مَعَكَ.

1494.3698. Усмон ибн Мавҳаб шундай сўзлаб берди:

«Миср аҳлидан бир киши келиб, Байтни ҳаж қилди. Сўнг ўтирган бир тўда одамларни кўриб: «Манави одамлар ким?» деб сўради. «Қурайшлар», дейишди. У: «Уларнинг ичидаги оқсоқоли ким?» деди. «Абдуллоҳ ибн Умар», дейишди. У: «Эй Ибн Умар, мен сендан бир нарса хусусида сўрайман, менга айтиб бер! Уҳуд ғазоти куни Усмоннинг қочганини биласанми?» деди. (Ибн Умар): «Ха», деди. У: «Унинг Бадрда бўлмаганини, унда қатнашмаганини ҳам биласанми?» деди. «Ха», деди. У: «Унинг Ризвон байъатида\* бўлмаганини, унда қатнашмаганини ҳам биласанми?» деди. «Ха», деди. Шунда у: «Аллоҳу акбар!» деди. Ибн Умар деди: «Буёққа кел, мен сенга тушунтириб бераман! Унинг Уҳуд куни қочганини айтсан, гувоҳлик бераманки, Аллоҳ уни афв этиб, мағфират қилди. Усмоннинг Бадрда бўлмаганининг сабаби - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари унинг аёли бўлиб, (ўша пайтда) касал эди. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Албатта, сенга Бадрда қатнашган кишининг ажри ва улуши бор», деганлар. Энди унинг Ризвон байъатида бўлмаганига келсак, агар Макка водийсида Усмондан кўра азизроқ бирор

киши бўлганида, у зот унинг ўрнига ўшани жўнатган бўлардилар. Шу боис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Усмонни жўнатганлар. Ризвон байъати эса Усмон Маккага кетганидан кейин бўлган. Ўшанда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўнг қўлларини кўрсатиб: «Бу - Усмоннинг қўли» деб, уни нариги қўлларига уриб: «Мана бу Усмон учун», деганлар».

Кейин Ибн Умар: «Мана шуларни олгин-да, ҳозироқ жўна!» деди».

\* «Ризвон байъати» - «розилик байъати». Ҳудайбияда Маккага элчи бўлиб кетган Усмон розияллоҳу анҳу ҳадеганда қайтиб келавермагач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уруш бўлиш эҳтимолини эътиборга олиб, мусулмонлардан байъат олганлар ва бу жуда ҳам оғир вазият бўлган. Ўшанда Аллоҳ таоло ушбу байъатда қатнашганлардан рози бўлганини айтиб, оят нозил қилган. Шу боис бу байъат мазкур номни олган.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

